



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



Empowered lives.
Resilient nations.

ОИЛА ВА НИКОХ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ



ТОШКЕНТ – 2018

Оила – мустақкам ва муқаддас қўрғон. У ҳуқуқ ва виждон қонунлари асосида қурилиб, ўзининг кўп асрлик мустақкам ва маънавий таянчларига эгадир. Шу боис, бугун юрти-мизда оила институтини мустақкамлаш, оилавий муносабатларга оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва уларда бугунги ва эртанги қунимизнинг талабларини акс эттиришга алоҳида эътибор кучайтирилмоқда.

Фуқаролар никоҳ ва оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини қанчалик пухта эгаллаган, уларга қатъий риоя қилган тақдирдагина оила мустақкам бўлади. Шу маънода, мазкур рисолада никоҳ ва оила масалаларига оид баъзи ҳуқуқий тушунтиришлар оддий тилда ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Рисола никоҳ қуриш истагида бўлган ёшлар, оила қуриб яшаётган эр ва хотинлар ҳамда оила ва никоҳ ҳуқуқи билан қизиқувчи барча фуқаролар учун мўлжалланган.

НАШР УЧУН МАСЪУЛЛАР:

Холмўмин ЁДГОРОВ
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари –
фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси

Ирода БОЛТАХОДЖАЕВА
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг раис ўринбосари

Азамат САЛАЕВ
“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси раҳбари

Собир ХОЛБАЕВ
“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик”
қўшма лойиҳаси компонент раҳбари

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Рисолада келтирилган намунадаги номлар, саналар ва далиллар ўзгартирилган. Ҳар қандай мос келишлар тасодифий ҳисобланади. Рисоланинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.sud.uz ва БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.undp.org интернет сайтида жойлаштирилган.

© БМТ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ (БМТТД), 2018
© АҚШ ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ АГЕНТЛИГИ (USAID), 2018
© ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ, 2018

НИКОҲ ТУШУНЧАСИ

Никоҳ бу эркак ва аёлнинг ихтиёрий ҳамда ҳуқуқларининг тенглиги асосида оила тузиш ва эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаришга қаратилган иттифоқидир



Қонуний никоҳ

Фактик никоҳ
(ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас)

Шаръий никоҳ
(ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас)

НИКОҲ ТУЗИШ ШАРТЛАРИ



Бўлажак эр-хотиннинг розилиги

Бўлажак эр-хотиннинг никоҳ ёшига етганлиги

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги



НИКОҲНИ ҚАЙД ЭТИШ

Никоҳланувчиларнинг шахсан иштирокида амалга оширилади

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади

Рад этилганда шикоят билан фуқаролик ишлари бўйича судга ёки бўйсунушига кўра юқори турувчи органга мурожаат қилиш мумкин



НИКОҲ ТУЗИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ, АГАР:

1

никоҳланувчиларнинг лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган бўлса



2

никоҳ туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида тузилаётган бўлса

3

фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида тузилаётган бўлса

4

никоҳланувчилар насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндош бўлсалар


5

никоҳланувчилардан лоақал биттаси руҳият бузилиши сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса



НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

**Ёзма шаклда
тузилади ва
нотариал тартибда
тасдиқланади**



**Никоҳ давлат
рўйхатига
олингунига қадар
тузилиши мумкин**

Бунда никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради



**Никоҳ даврида
тузилиши мумкин**

Бунда никоҳ шартномаси нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради



НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

**МУДДАТЛИ
ТУЗИЛИШИ
МУМКИН**

Бунда шартнома унда кўрсатилган муддатгача амалда бўлади




**МУДДАТСИЗ
ТУЗИЛИШИ
МУМКИН**

Бунда шартнома никоҳ бекор қилингунга қадар амалда бўлади

**НИКОҲ ШАРТНОМАСИ –
ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИНГ
ГАРОВИ**

НИКОҲ ШАРТНОМАСИДА ҚҶЙИДАГИЛАР БЕЛГИЛАНИШИ МУМКИН:

- ✓ эр ва хотин барча (мавжуд ёки келажакда қўлга киритилиши мумкин бўлган) мол-мулкининг ҳуқуқий ҳолати;
- ✓ эр ва хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари (оила харажатларини қўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкӣ шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва ҳ.к.);
- ✓ эр ва хотиннинг ўзаро моддий таъминот бериши;
- ✓ никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мол-мулк;
- ✓ эр ва хотиннинг мулкӣ муносабатларига оид бошқа қоидалар.



НИКОҲ ШАРТНОМАСИДА НАЗАРДА ТУТИЛМАЙДИГАН ШАРТЛАР (ҚОИДАЛАР):

- ✓ эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чекловчи;
- ✓ эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солувчи;
- ✓ эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи;
- ✓ меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи;
- ✓ эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартлар (қоидалар).

НИКОҲЛАНУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛИШИ



Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўриқдан ўтадилар. Тиббий кўриқдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади

Никоҳланувчи шахслар эллик ёшдан ошган бўлса, шунингдек, алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар) мавжуд бўлганда тиббий кўриқдан ўз розилиги билан ўтказилади

Никоҳланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказишдан асосий мақсад, уларнинг умумий соғлиғи ҳақида маълумотларга эга бўлиш билан бирга, бўлажак эр-хотин ва уларнинг авлоди учун хавfli бўлган касалликларни аниқлаш ва уларни даволаш бўйича чораларни кўришга қаратилган

НИКОҲ ШАРТНОМАСИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК



Эр ва хотин амал қилиши керак бўлган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун санкция жарима ёки пеня шаклида бўлиши мумкин.

Жумладан, никоҳ шартномасида никоҳ бекор қилинганда эр-хотиннинг умумий биргаликда бўлган мулкдаги улушини бир тарафга бериш муддати кечиктирилган тақдирда иккинчи тараф учун ҳар бир кечиктирилган кунга муайян суммадаги пеня кўзда тутилган бўлса ва иккинчи тараф ушбу улуш миқдорини тўлашни кечиктирса, биринчи тараф улушни суд орқали талаб қилишга ва унинг кечиктирилганлиги учун қўшимча равишда пеняни ҳам ундиришга ҳақлидир.

Ушбу санкция мулкӣ характердаги муносабатларга нисбатан қўлланилади, холос. Агар санкция эр-хотиннинг номулкӣ муносабатларига нисбатан кўзда тутилган бўлса, у ўз-ўзидан ҳақиқӣ ҳисобланмайди.



НИКОҲ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЎКИ БЕКОР ҚИЛИШ

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин

Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди

Никоҳ тугатилган пайдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди (никоҳ шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно)

Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади



БОЛАНИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Ўз ота-онасидан
ва бошқа шахслардан
таъминот олиш ҳуқуқи

Бола таъминоти
учун олинган
маблағ, пенсия,
нафақа унинг
отаси ёки онаси
тасарруфида
бўлиб, боланинг
таъминоти, тарбияси
ва таълим олиши
учун сарфланиши
керак

Хусусий мулк эгаси
бўлиш ҳуқуқи

Ҳадя, мерос тариқасида
олган мол-мулкига

Шахсий меҳнати ва тadbиркорлик
фаолияти натижасида орттирган
мол-мулкига

Шахсий фойдаланишидаги
буюмлари (кийим-кечак,
пойабзал, ўқув-анжомлари ва б.)га



ВОЯГА ЕТГАН, МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИ БОЛАЛАРНИНГ ОТА-ОНАСИГА ТАЪМИНОТ БЕРИШ МАЖБУРИЯТИ

Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт



Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги уларни ота-онага ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди

Ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади



Улардан ундирилаётган алимент миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг **учдан бир** қисмидан кам бўлмаслиги керак

ОТА-ОНАНИНГ ЎЗ БОЛАЛАРИ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ БЎЙИЧА ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ



Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари керак, бунда ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас

Болаларини тарбиялаши шарт

Болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгар

Болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт ва бунга зарар етказишга ҳақли эмас

Болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак

Ота-она ҳаётлигида болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас, ота-она ҳам вояга етмаган болаларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас

БОЛАДАН АЛОҲИДА ЯШАЁТГАН ОТА-ОНАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Бола билан кўришиш

Боланинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш

Тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш



БОБО, БУВИ, АКА-УКА, ОПА-СИНГИЛ ВА БОШҚА ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

Бола билан кўришиш

Бола билан кўришишига
имконият бермасалар,
васийлик ва ҳомийлик органи
ота-онани (улардан бирини)
бундай имконият беришга
мажбур қилиши мумкин

Суднинг ушбу низо бўйича чиқарган
ҳал қилув қарори бажарилмаган
тақдирда айбдор ота-онага нисбатан
қонун ҳужжатларида назарда
тутилган чоралар қўлланилади

Агар ота-она (улардан бири) васийлик ва ҳомийлик
органининг қарорини бажармаса, боланинг яқин
қариндошлари ёки васийлик ва ҳомийлик органи
бола билан кўришиб туришга тўсқинлик қилувчи
ҳолларни бартараф қилиш ҳақида даъво билан судга
мурожаат қилишга ҳақлидир



ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАР ТАЪМИНОТИ УЧУН АЛИМЕНТ УНДИРИШ

Алимент тўлаш
тўғрисидаги
келишув асосида



Суд ҳужжати
асосида

Ота-оналар алимент
миқдори ва тўлаш
тартибини ўзаро
келишган ҳолда
белгилайдилар

Ота-онанинг ҳар ойдаги
иш ҳақи ва (ёки) бошқа
даромадининг
бир қисми миқдориди
ундирилади

ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАР ТАЪМИНОТИ УЧУН УНДИРИЛАДИГАН АЛИМЕНТ МИҚДОРИ*

Ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи
ва (ёки) бошқа даромадининг:

1 бола учун

1/4 қисми

2 бола учун

1/3 қисми

3 ва ундан ортиқ бола учун

1/2 қисми



Алимент миқдори ота-онанинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

* Ота-она ўртасида келишув бўлмаса

ЭР-ХОТИННИНГ БИРГАЛИКДАГИ МОЛ-МУЛКИ ҚАТОРИГА ҚУЙИДАГИЛАР КИРАДИ:


эр-хотиннинг умумий даромадлари эвазига сотиб олинган турар-жой ва нотурар-жойлар, ер майдонлари, транспорт воситалари, мебель, маиший техника;



эр-хотиннинг умумий даромадлари эвазига сотиб олинган қимматбаҳо қоғозлар, қўйилмалар, кредит муассасаларига киритилган капиталдаги улушлар;



эр-хотин билан никоҳ даврида орттирилган бошқа барча мол-мулк;



эр-хотиннинг меҳнат фаолияти, тадбиркорлик фаолияти ва интеллектуал фаолияти натижалари;



махсус мақсадли кўрсатмаларга эга бўлмаган нафақа ва бошқа тўловлар.



ЭР ВА ХОТИННИНГ ХУСУСИЙ МУЛКИ

Никоҳга қадар
ўзига тегишли
бўлган мол-мулки



Ҳар бирининг никоҳ давомида
ҳадя, мерос тариқасида ёки
бошқа бепул битимлар
асосида олган мол-мулки

Қимматбаҳо буюмлар ва зебу-
зийнатлардан бошқа шахсий
фойдаланишдаги буюмлар (кийим-
бош, пойабзал ва бошқа шу кабилар),
гарчи никоҳ давомида эр ва
хотиннинг умумий маблағи ҳисобига
олинган бўлса ҳам, улардан
фойдаланиб келишган бўлишса



Никоҳ шартномаси

(нотариал идоранинг номи)

(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)

(нотариал идоранинг манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)

Биз – Н. шаҳар, К. тумани, У. кўчаси, 15-уй рўйхатида турувчи – 1985 йилда туғилган Исроилов Ҳалим Алим ўғли (паспорт АА 645847, К. тумани ИИБ томонидан 11.11.2014 йилда берилган) бир тарафдан ва Х.тумани, А.кўчаси, 9-уй рўйхатида турувчи – 1990 йилда туғилган Гафурова Альфия Галим қизи (паспорт АА 365847, Х. тумани ИИБ томонидан 11.11.2014 йилда берилган) эр-хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва никоҳдан ажратилган тақдирда мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларимизни белгилаш мақсадида мазкур никоҳ шартномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Биз – никоҳимиз қайд қилингандан сўнж биргаликда яшаш давримизда оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, тенг мажбуриятларга эга бўламиз.

2. Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳада ва мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг шахсий мулки ҳисобланади ва уларнинг бўлинишига йўл қўйилмайди.

3. Қимматбаҳо буюмлар, зебу зийнатлар ва бошқа шахсий фойдаланиш буюмлари (кийим-бош, пойабзал ва бошқа шу кабилар никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам) улардан фойдаланиб келган эр ва хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади ва никоҳдан ажралганда бўлинмайди.

4. Никоҳ давомида биз ҳар биримизнинг меҳнат фаолиятимиздан, тадбиркорлик фаолиятимиздан ва интеллектуал фаолият натижаларимиздан орттирган даромадларимиз, пенсия, нафақа, шунингдек, махсус мақсадларга мўлжалланган бошқа тўловлар, умумий даромадларимиз ҳисобига олинган барча кўчар ва кўчмас мол-мулклар, пул маблағлари кимнинг номидан ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъий назар, бундай кўчар ва кўчмас мол-мулклар қайси биримизнинг номимизга расмийлаштирилган бўлса, шу эр ёки хотиннинг шахсий мол-мулки деб ҳисобланади ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ битим тузилганда, бу ҳаракат бошқасининг розилигисиз амалга оширилади ва никоҳдан ажралиш пайтида бўлинмайди.

5. Эр ёки хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда, иш ҳақи ва

бошқа даромадга эга бўлган тараф никоҳдан ажралиш вақтида уни турар жой ва моддий таъминот билан таъминлайди.

6. Шахсий мулкка эга бўлган бир тараф иккинчи тарафнинг розилигисиз ўзига тегишли мол-мулкка эгаликни ўз ихтиёрига биноан амалга оширади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Бунда, шахсий мулкка эга бўлган эр ёки хотин уларнинг бирига мазкур мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини беради, агар бу мол-мулк турар-жой бўлса, унда яшаш ва уй рўйхатидан ўтиш ҳуқуқини беради.

7. Болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар), уларнинг номига қўйилган пул жамғармалари, номига сотиб олинган кўчар ва кўчмас мол-мулклар уларнинг шахсий мулки деб ҳисобланади ҳамда никоҳдан ажралиш ва умумий мол-мулкни бўлиш пайтида болаларнинг мол-мулки ҳисобга олинмайди.

8. Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

9. Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби билан Фуқаролик кодекси ҳамда Оила кодексига белгиланган асослар ва тартибда суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

10. Мазкур шартнома никоҳ қонуний қайд этилган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ тугатилган пайдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди.

11. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 29–36 моддалари мазмуни нотариус томонидан бизга тушунтирилди.

12. Мазкур шартномани расмийлаштириш учун сарфланадиган харажатларни Исроилов Ҳалим Алим ўғли тўлади.

13. Биз шартноманинг матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмун ва моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари бизга нотариус томонидан тушунтирилди, шартнома мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади.

14. Шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб, имзоланди, бир нусхаси К.туман 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга берилди.

ИМЗОЛАР:

1. _____

2. _____

Нотариуснинг тасдиқ ёзуви.

ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ

Муҳаррир: Д. Арипжанова

Дизайнер: Э.Муратов

Нашр. лиц. АИ№ 283, 22.01.16. Босишга рухсат этилди 20.04.2018.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Segoe UI» гарнитура.

Шартли босма табағи 1,5. Нашр босма табағи 1,25.

Адади 2 000. Буюртма № РО/0187/18.

«ILMIY TEXNIKA AXBOROTI-PRESS NASHRIYOTI»

100019.Тошкент ш., М-5, 45/4

«PRINT MEDIA» босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Ўзбекистон овози кўчаси, 32

